

Китоб орқали маънавият сари

☒ Ўқувчи ва ёш китобхонларнинг дунёқарашини кенгайтириш ва вояга етиш руҳида баркамол авлодни тарбиялаш учун катта аҳамиятга эга бўлган ўзбек халқининг қадриятлари ва анъаналарини янада кенгроқ тарғиб қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. АРМ ходимлари китобхонлар билан сұхбатга ўқувчиларга ўзларининг таълим олиш учун зарур бўлган ўқиш маданиятини ташкил этадиган адабиётларни, катта китоб лабиринтларида йўналтиришга ва маҳаллий ва хорижий муаллифларнинг энг яхши мисолларини тарғиб қилишга ҳаракат қилишади.

АРМда - ўзбек адабиёти асосчилари, буюк муттафаккирлар, олимлар, ёзувчилар ва шоирларидан: Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Мирзо Улуғбек ва бошқаларга бағишлиланган мунтазам китоб кўргазмалари тарғиботи анъавий хизмат кўрсатишнинг самарали усулидир. «Илмий-услубий, ахборот ва маълумот» бўлими ходимлари томонидан Президентимизнинг бешта муҳим ташаббусига оид, миллий маънавиятимиз, халқимиз қадриятлари ва ёшлар маънавиятини юксалтириш масалаларига бағишлиланган «Китоб орқали - маънавиятга йўл» кўргазмасини ташкил этди. Буларнинг барчаси билан АРМ фаолиятининг узлуксиз таълим олиш маркази сифатида роли ошиб бораётгани ва бу кутубхона ишларининг инновациян шакллари ва усулларини, яъни ахборот маҳсулотларини излашни талаб қиласди.

Кутубхона амалиёти шуни кўрсатадики, ўқувчиларнинг ўқиш маданиятини шакллантириш бўйича фаолиятни қониқарли деб бўлмайди, айрим ўқувчилар кутубхона ва библиографик билимлари етарли даражада юқори эмас: ахборот манбалари билан ишлаш кўникмаларининг йўқлиги ва адабиётларни қидириш техникаси камлиги аниқланди, баъзан талабалар АРМда ахборотни сақлаш ва олишнинг автоматлаштирилган, лекин анъанавий воситаларидан самарали фойдалана олмайдилар, аммо магистрантларнинг магистрлик диссертациялари ёзиш жараёнида фойдаланиладиган ахборот манбаларининг рўйхатини тўғри шакллантириш қобилияти йўқ. «АРМнинг илмий-услубий, ахборот бўлими» да диссертацияларни лойиҳалаштириш бўйича ўқув қўлланмалари, маълумот нашрлари мавжуд. Ушбу бўлим мудири Миличенкова Наталя Юревна нафақат малакали ёрдам кўрсатади балки, талабалар учун электрон жадваллар бўйича, бўлимда мавжуд «Ўнли класификация» индексларини магистрларнинг илмий мақолаларига таснифлайди.

Шундай қилиб, уститутнинг АРМдаги фаолиятининг долзарблиги талабаларнинг билим олиш даражаси ўсиб бораётганинига ва ўқувчиларнинг тайёргарлиги даражасини текшириш учун қарама-қаршиликларни бартараф этиш, «Ахборотлар саводхонлиги асослари» («Кутубхонашунослик ва библиография асослари курслари») биринчи курс талабалари учун маҳсус курсларининг қайта тикланиши бўлиб, бизнинг ёшлиқ-бизнинг келажагимиз, баъзан келажагимиз бугунги кунда ўсиб бораётганини унтиб қўяшимиз. Ёш йигит ва қизллар ўз олдиларига юқори мақсад ва юқори чўққилар қўядилар, ҳаётнинг мазмуни, шахсий ва ижтимоий муносабатлар, мамлакатнинг яқин келажаги, бахт ва бурчлар ҳақида жиддий саволлар туғдиради шунингдек, хуқуқ ва мажбуриятлар, дўстлик ва севги ҳақида. Мураккаб ҳаётнинг барча масалаларида ёшларимиз ўзларини ва бошқа одамларни тушунишга жуда муҳтоҷ. Талабаларга тўғри маслаҳат ва жавобларни топишларида ёрдам бериш эса бизнинг вазифамиздир.

Институт матбуот котиби Рашимбой Жуманиёзов